

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ 1105-19

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг  
2013 йил "30" декабрь даги  
"484" сонли буйруғи билан тасдиқланган.

МОЛИЯ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумқасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўқув дастури

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ**  
**ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**  
**ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабдаги 5- сонли баёни билан маъқулланган.

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов - ТДПУ хузуридаги тармоқ маркази директори  
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев - ЎзМУ хузуридаги минақавий марказ директори  
и.ф.д., проф. Г.Н.Ахунова - ТДИУ хузуридаги тармоқ маркази директори  
и.ф.н. Х.А.Қурбонов - ТДИУ, “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси доценти  
к.ўқ. М.Ж. Бауетдинов - ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:** и.ф.д., проф. О.Ю Рашидов – ТДИУ “Банк иши ва корпоратив молиялар” кафедраси профессори  
и.ф.д., проф. А.М. Жуманов – ТДИУ, “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси профессори.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университет Кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 29 ноябрдаги 4-сонли баённома).

## Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;

- Амалий хорижий тил;
- Тестология асослари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Ахборот хавфсизлиги.

#### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши;
- Давлатнинг иқтисодий сиёсати;
- Макро ва микроиқтисодиёт масалалари.

#### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

#### **Танлов фанлари модули.**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Молия” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Молия” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;

•таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;

•умумқасбий ва ихтисослик фанлари йўналишлари жараёнлари қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;

•таълим соҳасидаги инновацияларни;

•жамиyatни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;

•умумқасбий ва ихтисослик фанларининг сўнгги ютуқларини;

•мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;

•ўқитувчининг инновацион фаолиятини;

•замонавий таълим методларини;

•электрон педагогика асосларини;

•тестология асосларини;

•замонавий молия тизими ва ундаги ислохотларнинг усувор йўналишларини;

•корпоратив молия ва уни бошқаришнинг функционал элементларини;

•давлат молияси ва ундаги ислохотларнинг усувор йўналишларини

•солиқ тизими ва солиққа тортишдаги янгиликларни **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

•таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;

•таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

•қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;

•таълим сифатини назорат қила олиш;

•ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;

•таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

•педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;

•электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

•педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

•шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;

•таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

•ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

•молия тизимини миллий иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамиятини баҳолай олиш;

•корпоратив ва давлат молиясига оид статистик маълумотлар асосида умумий тенденцияни баҳолай олиш;

•хорижий инвестициларни жалб қилиш ва уларни ҳудудлар бўйича ўзаро тақсимлаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанлари диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларида фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- молия тизими ва унинг бўғинларидаги ислохотларнинг мазмун, моҳияти, истиқболдаги йўналишлари;
- солиқлар ва солиқ тизимидаги янгиликлар бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

#### **«Молия»**

**малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

### **I. Умумий тайёргарлик модули**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини

демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

## **1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

## **II. Умумқасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.



### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

### **2.5. Тестология асослари.**

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

### **2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

## **2.7. Ахборот хавфсизлиги.**

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

## **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **3.1. Замонавий молия тизими.**

Молия тизими ва унинг бўғинлари. Молия тизимининг функциялари. Молиявий инқирозлар ва янги молиявий архитектураларнинг шаклланиши. Замонавий шароитларда жаҳон ва миллий молия тизими архитектураси. Замонавий шароитларда жаҳон ва миллий молия тизимидаги долзарб муаммолари. Жаҳон ва миллий молия тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.

Давлатнинг кредит тизими. Банклар ва банк фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. Банк тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.

Молиявий бозорлар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари. Молиявий боорлар инструментлари. Молиявий инструментларнинг сифат тавсифлари. Мамлакатнинг суғурта тизими. Суғурта компаниялари ва суғурта хизматлари бозорининг ривожланиши.

### **3.2. Корпоратив молия.**

Корпоратив молиянинг молия тизимидаги аҳамияти. Акиядорлик жамиятларида капиталар таркиби ва уни бошқариш. Замонавий шароитларда

капиталлар таркибини бошқаришнинг концептуал асослари. Корпоратив молиянинг фундамнтал асослари. Активларни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш асослари. Молиявий активлар ва уларни бошқариш. Пул оқимларини бошқариш. Пул оқимларини бошқариш моделлари. Молиявий натижаларнинг шкланиши ва уни тақсимланиши. Компания иқтисодий фаолияти самарадорлигининг молиявий диагностикаси.

### **3.3. Давлат молиясини бошқариш.**

Давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Давлат молияси ва унинг бўғинлари. Давлат молиясини бошқаришнинг функционал элементлари ва уларни такомиллаштириш бўйича ислохотлар. Давлатнинг бюджет тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари. Бюджет жараёни ва уни янада такомиллаштириш бўйича ислохотлар. Маҳаллий бюджетлар ва уларнинг ҳудудлар итимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти.

Давлат кредити ва давлат қарзларини бошқариш. Ривожланган мамлакатларда бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари муаммолари.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.**

Олий таълим тизими инфраструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

### **4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

## **V. Танлов фанлари модули**

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумқасбий ва ихтисослик фанлари соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг

эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тестология асослари, ахборот хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, замонавий молия тизими, корпоратив молия, давлат молиясини бошқариш мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

### **Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- малакавий иш;
- такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади);
- мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш;
- мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш;
- ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;

- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;

- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;

- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:**

• Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.

• Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.

• Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.

• Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.

• Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.

• Давлат молияси тизимидаги ислохотлар ва унинг устувор йўналишлари.

• Ҳозирги глобаллашув шароитида молиявий сисат ва унинг стратегик йўналишлари.

• Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари.

• Акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлиги ва уни юксалтириш йўллари.

• Ривожланган мамлакатларда бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш муаммолари.

• Европа молиявий инқирози: келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари.

• Давлат бюджети харажатлари ва уни миллий иқтисодиёт барқарорлигидаги аҳамияти.

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларини, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;

- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;

- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутали.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август. Т.: “Адолат”, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлари тўплами: Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ, 2001 й.
4. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т.: «Ўзбекистон», 14 декабр 2000.
5. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: “Ўзбекистон”, 26 август 2004.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007.
7. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Халқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2010.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. –Т.: 2008.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009.
14. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
16. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
17. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
18. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

19. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
20. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
21. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
25. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000 й. - 218 б.
26. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005 й. - 213 б.
27. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
28. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996.- 218 с.
29. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002.- 98 с.
30. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов. “Компютерда лаборатория ишлари”. Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й.- 143 б.
31. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. - 163 б.
32. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. - 176 б.
33. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г.- 92 с.
34. Юлдашев У.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002 й. -163 б.
35. К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни -Т.: Фан, 2001. 64-98 бетлар.
36. Қ. Усмонов, М. Содиқов.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.
37. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
38. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
39. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.

40. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.- 320 б.
41. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.
42. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.
43. Срождиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. Т.: Incom.uz МЧЖ- 2010. - 500 б.
44. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. Под. ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. – М.: «ИД Юрайт», 2010. – 714 с.
45. Селезнев А.З. Государственный долг и внешние активы. –М.: ИНФРА-М, 2010.
46. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006, – 568 с.
47. Нешиной А.С. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006, – 308 с.
48. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: Вузовский учебник, 2006, - 417 с.
49. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. –М.: Экономист, 2006, - 317 с.
50. Принципы организация казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос. Под редакцией Д.Ж.Кучкарова – Т.: Мир экономики и права. 2005 й.
51. Бабич А. М. Государственные и муниципальные финансы. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000.
52. Tuxliev V.K., Qurbonov X.A., Bauetdinov M.J., Bijanova M.B. Davlat byudjeti. O'quv qo'llanma.-Т: TDIU, 2010. -199 б
53. Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш: – Тошкент, infoCOM.UZ МЧЖ, 2010. – 152 б.
54. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2007, -84.
55. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Bauetdinov M. J. Moliya. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, - 189 б.

### **Интернет маълумотларн:**

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.uz](http://www.uz)
4. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
5. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)



6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)
9. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
11. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)